

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ТАРИХИЙ ВА МАДАНИЙ ЁДГОРЛИКЛАРНИНГ ХАЛҚАРО ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ

М. Ф. Расулов

Фарғона давлат университети (PhD)

rasulov.2791@gmail.com

КИРИШ

Ўзбекистонда халқаро туризмни ривожлантириш, туризмнинг асосий объектлари бўлган тарихий-маданий ёдгорликларни сақлаш, реставрация ва консервация қилиш ҳамда улардан фойдаланиш борасида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 ноябрдаги ПҚ–4038-сон “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ва 2018 йил 19 декабрдаги ПҚ–4068-сон “Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 10 сентябрдаги Ф–5361-сон “Алоҳида муҳим ижтимоий, маданий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган объектларни қуриш, реставрация, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармойиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 21 июлдаги ВМҚ–200-сон “Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ва бошқа кўплаб ҳуқуқий ҳужжатлар республикадаги тарихий-маданий мерос объектларини янада чуқурроқ тадқиқ этишни тақозо қилади [1.].

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар – тарихийлик тамойили, қиёсий таҳлил, тизимлаштириш, таснифлаш, муаммовий-хронологик, холислик тамойиллари асосида ёритилган.

Ўзбекистонда тарихий-меъморий иншоотлар, маданий мерос объектларини тадқиқ этиш чор Россияси мустамлакачилиги даврига бориб тақалади. Совет мустабид тузуми даврида ҳам мазкур муаммо бўйича кўплаб

тадқиқот ишлари олиб борилган. Жумладан, Ю.Р.Рахматуллаев, И.М.Азимов, Р.Сеитоваларнинг диссертацияларида Ўзбекистонда тарихий-маданий ёдгорликларни ўрганиш, сақлаш билан боғлиқ айрим муаммолар тадқиқ этилган. Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгандан сўнг, тарихий-маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш муаммолари бўйича А.Ҳаққулов, П.Ш.Зоҳидов, М.Қ.Аҳмедовлар [2]нинг асарлари яратилди. Шу билан бирга, М.А.Мирзаев, Х.С.Исломхўжаев, А.Р.Абриев, М.Ф.Расуловлар[3]нинг илмий-тадқиқотлари ҳам республикамиздаги тарихий-маданий ёдгорликлар муаммоларига бағишланган.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ўзбекистон инсоният тарихининг бешикларидан бири ҳисобланади. Мамлакат Тешиктош, Селунгур, Обираҳмат, Афросиёб, Варахша каби инсониятнинг энг қадимги манзилгоҳлари; Кушон, Қадимги Хоразм, Бактрия, Сўғд, Қанғ каби кўҳна давлатчилик анъаналари мавжуд бўлган ҳудуд ҳисобланади. Тарихдан маълумки, бу ҳудудда аниқ (айниқса, математика ва астрономия), табиий (география, биология, кимё, тиббиёт, доришунослик ва бошқалар), ижтимоий-гуманитар (фалсафа, сиёсатшунослик, психология, педагогика, ахлоқшунослик ва бошқалар), ислом таълимоти (фикҳшунослик, ҳадисшунослик, калом илми, тасаввуф) каби фан соҳаларида улкан ютуқларга эришган ва дунё цивилизацияси ривожига катта ҳисса қўшган талай олимлар яшаган.

Халифа Усмон топшириғига биноан кийик терисига битилган муқаддас Қуръон китоби (“Усмон мусхафи”); юртимизда туғилиб ўсган алломаларнинг илм-фан соҳасидаги эришган ютуқлари; Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Бобур Мирзо каби аجدодларимиз фаолияти дунё аҳлини лол қолдириб келмоқда. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин, ҳар бир вилоятда ўзига хос сайёҳлик бренди яратилди.

1993 йилда Ўзбекистон Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (UNWTO – United Nations World Tourism Organization)га аъзо бўлган. Лекин, республикада ҳали сайёҳлик имкониятлари тўлиқ ишга солинмаган. Ўзбекистон Бутун жаҳон туризм ва саёҳатлар бўйича кенгаши (БТСК)нинг баҳоларига кўра, сайёҳлар келиши борасида дунё мамлакатлари орасида 150-ўринни эгаллаб, унинг ҳиссасига умумий сайёҳлар оқимининг 0,2 фоизи (бу борадаги республика салоҳияти 2,2 фоиз) тўғри келмоқда [3.]. Ҳозирги пайтда мамлакатда халқаро

туризмнинг ривожланиши учун мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солиш жуда муҳимдир. Ер юзи бўйлаб сафарга отланаётган 900 млн га яқин сайёҳнинг жуда ҳам озчилик қисми Ўзбекистон, умуман Марказий Осиё давлатлари ҳақида тасаввурга эга. Оддий сайёҳлар у ёқда турсин, ҳатто мамлакатимизга ташриф буюраётган кўплаб машҳур давлат, жамоат, адабиёт ва санъат арбоблари ҳам Ўзбекистонни энди аста-секин кашф эта бошлашди.

Мустақиллик йилларида республикада туризм соҳасини ривожлантириш учун барча керакли ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар [4.] ишлаб чиқилди ва мазкур жараён узлуксиз давом этмоқда.

Республикада халқаро туризм ривожланган мамлакатлар тажрибасига таяниб, ўзининг миллий моделига асосланган туризмни шакллантириш учун ҳаракат қилинмоқда. Бу модель ички имкониятларга, ўзбек халқининг менталитетига ва жаҳон стандартларига мос келадиган талабларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозимлиги таъкидланмоқда.

Ўзбекистонда халқаро ва ички, зиёрат туризмнинг ривожланишига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги муносабати билан вилоятлардаги тарихий аҳамиятга эга бўлган тарихий-маданий объектларга янги сайёҳлик йўналишлари очилмоқда. Бунинг учун вилоятларда кенг имкониятлар мавжуд. Ҳозирда мамлакатда 180 дан ортиқ халқаро сайёҳлик йўналишларининг 140 таси айнан тарихий-маданий мерос объектлари билан боғлиқдир [5.]. Туризм соҳасидаги кейинги ислохотлар кўплаб янги сайёҳлик йўналишларини очиш учун кенг имкониятлар яратмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони [6.]га биноан “Ўзбектуризм” Миллий компанияси, Маданият ишлари вазирлиги, Фанлар академияси, ёдгорликларни муҳофаза қилиш республика жамияти ҳамкорликда Буюк ипак йўлидаги кўҳна шаҳарларда жойлашган меъморий, археологик, тарихий ва маданий ёдгорликларни қайта тиклаш, ободонлаштириш ҳамда фойдаланиш бўйича “Мерос” дастури ишлаб чиқилди.

Дастурда ЮНЕСКО, Халқаро туризм ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотларни Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришга жалб этиш, сайёҳларга хизмат кўрсатишни халқаро даражага кўтариш, туризм инфраструктурасини ҳар томонлама ривожлантириш каби масалалар ўз аксини топган.

1999 йилда “Туризм тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши республикада туризм соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш

билан биргаликда, уни ривожлантириш истиқболларини давлат сиёсати даражасида белгилаш вазифасини кўйди.

1999 йил Тошкентда Бутун жаҳон сайёҳлик ташкилоти Европа комиссиясининг 34-йиғилиши ҳамда ЮНЕСКОнинг сайёҳлик ва маданият бўйича халқаро семинари ўтказилиб, мазкур семинарда декларация қабул қилинди [7.].

Ўзбекистонда халқаро ва ички туризм индустриясини ривожлантириш имкониятлари жуда кенг ҳамда турли-тумандир. Мазкур соҳани ривожлантиришда республикадаги тарихий ва маданий ёдгорликлар алоҳида аҳамият касб этади. Ҳозирги кунда республикадаги кўплаб моддий-маданий ёдгорликлар ЮНЕСКО рўйхатига киритилган бўлиб, улар алоҳида муҳофазани талаб этади. Бу тарихий-маданий ёдгорликлар ноёблиги, жозибadorлиги, ўзбек халқининг миллий менталитети ва кадриятларини ўзида мужассамлаштирганлиги билан сайёҳларни ўзига жалб қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган ПҚ-3509-сонли қарор [8.] чет эл фуқаролари ҳамда сайёҳлари учун виза режимини енгиллаштириш борасидаги дадил қадам бўлди.

Юқорида келтириб ўтилган ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалий самараси ҳозирги кунда ўз натижасини кўрсатмоқда. Масалан, охириги беш йилда Ўзбекистонга келган сайёҳлар оқими 72 фоизга ўсган [9.]. Мамлакатда туризм соҳасидаги ислохотлар чет эл оммавий-ахборот воситаларида ҳам ўз аксини топмоқда. 2018 йилнинг ёзида АҚШнинг дунёга машҳур “Lonely Planet” журнали “Осиёдаги саёҳат учун энг мақбул жойлар рейтинги”ни эълон қилди. Ўзбекистон илк бор мазкур рўйхатга киритилиб, Жанубий Корейдан кейин иккинчи ўринни эгаллади. Юртимиз ўзининг жозибadorлиги бўйича Вьетнам, Япония, Таиланд, Непал, Шри-Ланка, Хитой ва Индонезия сингари давлатлардан юқорироқ поғонада қайд этилди [10.]. Журнал сайтида Канаданиннг “G Adventures” сайёҳлик компанияси экспертлари фикри асосида 2019 йилда энг оммабоп бўладиган 10 та туристик йўналиш эълон қилинди. Ўнталикда биринчи поғонани Япония, иккинчи поғонани эса Ўзбекистон эгаллади [9.]. Буюк Британиянинг нуфузли “The Telegraph” газетасида эълон қилинган “2019 йилда бориш лозим бўлган 10 та мамлакат” рўйхатида Ўзбекистон биринчи ўриндан жой олган [11.].

Чет эл оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда сайёҳлик борасида тарқатган маълумотлари таҳлил қилинганда, реклама сифатида кўпроқ тарихий-

маданий ёдгорликлар (асосан Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабздаги) тарғиб қилинганлиги маълум бўлади.

Маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, тарихий-маданий ёдгорликлардан туризм соҳасида фойдаланиш борасида эришилган ютуқлар билан бирга, талайгина муаммолар ҳам кўзга ташланади. Жумладан, сайёҳларни жалб қилишда айрим вилоятлар ижобий натижаларга эриша олмаяти. Сабаби, кўплаб меъморий обидалар илмий асосда тадқиқ этилиб, якуний хулосага келинмаган, улар жойлашган ҳудудлар харитаси тузилмаган, сайёҳларни ўзига жалб қилиши мумкин бўлган айрим тарихий-маданий ёдгорликларга сайёҳлик йўналишлари очилмаган. Бундан ташқари, тарихий-маданий объектлар ҳудудларида халқаро меъёрларга жавоб берадиган сайёҳлик инфратузилмаси яратилмаган.

ХУЛОСА

Масала юзасидан қуйидагича хулосаларга келинди:

- республикада халқаро туризмни ривожлантириш, туризмнинг асосий объектлари бўлган тарихий-маданий ёдгорликларни сақлаш, реставрация ва консервация қилиш ҳамда улардан фойдаланиш борасида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда;
- илмий-тадқиқотлар натижасида тарихимизнинг янги-янги саҳифалари ўзбек халқининг маънавий, маданий ва илмий салоҳиятини бутун дунёга намойиш қилмоқда ва ўз навбатида, миллатимизнинг жаҳон цивилизациясида тутган ўрнини янада мустаҳкамланишига асос бўлмоқда;
- аждодларимиз яратаган маданий-маънавий мерос бутун жаҳон маданияти равақига улкан ҳисса қўшган умумбашарий кадриятлар сифатида тан олинмоқда;
- республикада, хусусан, Фарғона водийсида азиз авлиёлар, пиру комиллар абадий қўним топган кўплаб зиёратгоҳлар ҳали тўлиқ ўрганилиб, якуний илмий хулосага келингани йўқ. Бу масала тарихчилар учун кенг тадқиқот объекти сифатида долзарб аҳамият касб этади.

REFERENCES

1. Мирзиёев Ш.М. Тинчлик, маърифат ва бунёдкорлик йўлида ҳамкорлик. ИХТ Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимида сўзлаган нутқи // <https://uz24.uz/politics/>

2. Рахматуллаев Ю.Р. Из истории охраны и изучения памятников зодчества в Узбекистане. Дисс. к.и.н. – Ташкент, 1963; Азимов И.М. Архитектурные наследие Ферганской долины XVIII – начала XIX в. Дисс. к.и.н. – Ташкент, 1990; Сеитова Р. Становление и развитие законодательства об охране памятников истории и культуры в Узбекской ССР (1917–1990 гг.). Дисс. к.ю.н. АН УзССР ин-т философии и право. – Ташкент, 1990; Ҳаққулов А. Таъмир санъати. – Тошкент: Меҳнат, 1991; Зоҳидов П.Ш. Меъмор олами. – Тошкент, 1996; Аҳмедов М.Қ. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи. – Тошкент, 1995; Ўша муаллиф. Меъморий мерос. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2011; Ўша муаллиф, Назарова Д.А., Ҳасанов А.О. Ўзбекистон архитектураси ва шаҳарсозлигининг тараққиёт йўллари. – Тошкент, 2016 ва бошқалар.
3. Оstonов О. Ўзбекистонда туризм қай аҳволда ва уни ривожлантириш учун нималар қилиш керак. <https://kun.uz>.
4. “Буюк ипак йўлини қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. 1995. 2 июнь. ПФ-1162-сон; “Туризм тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1999. 20 август. ЎРҚ-830-И-сон; “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони. 2016. 2 декабрь. ПФ-4861-сон; “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сонли фармонига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”. 2016. 22 декабрь. ПФ-4895-сон. <http://www.lex.uz>; “2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори ПҚ-3217-сон. <http://www.lex.uz>; “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони // Халқ сўзи. 2018. 6 февраль, № 24; “Кириш туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори // Халқ сўзи. 2018. 7 февраль, № 25; “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори // Халқ сўзи. 2018. 8 февраль, № 26; “Ипак йўли” туризм халқаро университетини ташкил этиш тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори. 2018. 18 июнь. ПҚ-3815-сон. <http://www.lex.uz>.
5. Мухторов Н. Маданий мерос объектларига эътибор янада кучаяди // <http://parliament.gov.uz>. 2018. 24 декабрь.
6. “Буюк ипак йўлини қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора-

тадбирлар тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони. 1995. 2 июнь. ПФ-1162-сон.

7. Адиба Ҳамро кизи. Фахрланамиз // Обида (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” иловаси). 2000. 29 сентябрь.

8. “Кириш туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори. 2018. 6 февраль. ПҚ-3509-сон. // Халқ сўзи. 2018. 7 февраль, № 25.

9. Махсумов С. “Lonely Planet” рейтингда Ўзбекистон иккинчи ўринни эгаллади // Халқ сўзи. 2018. 20 ноябрь. № 239.

10. Улуғмуродов Д. Бетакроп табиат ва қадимий осори атиқалар // Халқ сўзи. 2018. 27 сентябрь. № 200.

11. Ўзбекистон – 2019 йилда бориш лозим бўлган 10 та мамлакатдан бири // Халқ сўзи. 2019. 8 февраль. № 27.

12. Yuldashev S.B. Ferghana in the VII century: It’s development as a powerful state and its collapse // History Research Journal. 2019 vol. 5. Issue 6. – P. 2952–2964.

13. Yuldashev S.B. Samanids of Ferghana // International journal for social studies. 2020. vol. 6. Issue 01. – P. 120–135.

14. Yuldashev S.B. The impact of the Aksu battle on Ferghana // ERPA International Journal of Research and Development. 2020. Vol. 5 (8). P. 60–64. DOI: <https://doi.org/10.36713/epra4917>

15. Yuldashev S.B. Early arab invasions of Fergana // «Евразийский Союз Ученых» научный журнал. – Москва, – 2020. – № 8 (77/4). – P. 31–35.

16. Isamidinov M. The history of emergence of Sughd Cities // EPRA International Journal of Research and Development. Volume:5, Issue:10, October 2020 India. – P. 125–128.

17. Mirsoatova S.T. New data on the late paleolithic of the Fergana valley // Евразийский союз ученых (2020. – № 10 (79/4). – P. 25–29.

18. Farmanova G.K. The role of the geographic environment and climatic conditions in the formation of economic-cultural type of population when during ancient and antic period // ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. Vol. 10, Issue 11, November 2020. – P. 1612–1622. Impact Factor: SJIF 2020 = 7.13. DOI: 10.5958/2249-7137.2020.01639.0.

19. Rakhmatillayev H. Ethnodynamics of the city population of the Fergana valley of the first half of the XX century // EPRA International Journal of Research and Development. Volume: 5, Issue:5, May 2020. – P. 532–535.

20. Arslonzoda R. Memoirs as asourse on the history of Uzbekistan in the second half of the 19th – early 20th centuries // EPRA International Journal of Research and Development. Volume: 5, Issue:10, October 2020. – P. 119–124.

21. Mahmudov O. The beginning of the European renaissance. ERPA International Journal of Research and Development. 2020; Vol. 5 (7). – P. 104–108. DOI: <https://doi.org/10.36713/epra4787>
22. Yuldashev S. Visit of chinese ambassador dung wan to Fergana // The history of the Fergana valley in new researches. – Fergana, 2021. – P. 123 – 131. <https://doi.org/10.47100/conferences.v1i1.1240>
23. Khamayev N.M. The essence of the armed struggle against soviet power in Turkestan in the interpretation of journalists // Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR). 2020. – Vol-09. Issue-11, November 2020. – P. 146-150.
24. Rasulov M. Archival documents on turkestan autonomy as a historical source (on the example of documents from the Fergana regional state archive): <https://doi.org/10.47100/conferences.v1i1.1267>